



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил  
16 январь  
ЧОРШАНБА  
№ 4  
(12.536)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Тадбиркорлик

## ТЕХНОЛОГИЯ ХОРИЖИЙ, МАҲСУЛОТ ЎЗИМИЗНИКИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга устуворлик берилаётгани туфайли ўтган қисқа даврда бу соҳа иқтисодийнинг муҳим тармоғига айланиб улгурди. Зеро, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналари сафи кенгайиши маҳсулот турлари орттиришига, сифати яхшиланиб, ички ва ташқи бозорларда рақобат кучайишига сабаб бўлди. Энг муҳими, бундай савий-ҳаракатлар аввало халқ фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

Ангрен шаҳридаги "SUNLONE INDUSTRIAL" масъулияти чекланган жамияти 2 хил кўмир брикети тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, ҳар сменада 2500-2700 топ брикет тайёрламоқда.

— 2013 йилга мўлжалланган режаларимиз катта, — дейди корхона раҳбари Воҳиджон Маматов. — Йил бошидан цилиндр шаклида брикет чиқаришга ҳаракат қилишимиз. Шунинг учун ҳозир монтаж ишларини бошладик. Режамиз амалга ошса, йилга 250 минг тонна шундай брикет ишлаб чиқарамиз. Натижада яна 45 та янги иш ўрни яратилади.

Дарвоқе, ҳозир 3 сменада 65 киши ишлапти. Корхонада барча қулай шарт-шароитлар яратилган бўлиб, ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланган. Овқатланиш, ювиниш хоналари замон талабларига жавоб беради. Қолаверса, тиббий ёрдам хонаси ҳам зарур асбоб-ускуналар билан таъминланган.

— Хитой технологияси бўйича ишлаётганимиз боис иш унумдорлиги юксак, — дейди раҳбар. — Шу сабаб 1 йилда 110 минг тонна золдирсимон брикет чиқариш имконига эгамиз.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) ишлаб чиқариш цехи бошлигининг ўринбосари Раҳматилла Аҳмедов ва қолипловчи Ҳасан Қамолов янги маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АХМАД олган сурат.



Ўзбекистонга жаҳон ҳамжамиятининг қизиқиши йилдан йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимиз туристик имкониятларининг чет эллардаги намоишлари ҳам бундан далолат. Яқинда Бельгиянинг Лювен шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган ярмаркада ўлкамиз туристик салоҳияти яна бир бор намоиш этилиди.

### ТУРИЗМ САЛОҲИАТИ ЮКСАЛМОҚДА

"Hobo Reisen" компанияси томонидан ташкил этилган мазкур халқаро ярмаркада дунёнинг 40 ортиқ давлатларидан туристик компаниялар иштирок этди.

Дарҳақиқат, диёримизнинг кўп асрлик кўҳна обидалари, бой тарихи ва бетакрор табиати, қуёшли иқлими, меҳмондўст халқимиз сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Эътироф этиш жоизки, бугун европалликлар юртимизда яшаб ўтган тарихий шахсларнинг дунё цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси ҳақида яхши билишди. Хусусан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз каби тарихий шаҳарлар сайёҳларни доимо маҳлиё этиб келган.

Яна бир муҳим ҳиҷат эса, туристик инфратузилмаси қардаки тинчлик ва барқарорлик, ободлик бўлса, ўша ерда ривож топади. Сайёҳларни ҳам меҳмондўст ва бағрикенг диёр жалб этади. Бельгияда ўтган сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистоннинг иштироки эса ана шу гўзал манзаранинг яна бир ишончли намоишидир.

Х. САЛИМОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.

Улғубек АСРОПОВ,  
"Туркистон-пресс".

### ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Зангиота туманидаги Ўртаовул шаҳарчасида тадбиркорлик тобора ривожланиб, ҳар йили янги-янги корхоналар очилмоқда. Шулардан бири "Зангиота полимер иши" корхонасидир. Ун қоплари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонанинг ишга туширилиши 15 нафар ёшларни иш билан таъминлаш имконини беради.

Айни кунларда корхона фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида хориждан замонавий техникалар олиб келишга ҳаракат қилинпти.

Худуддаги "Бирюз групп" корхонасининг кенгайтирилиши натижасида яна 100 та тикувчилик иш ўринлари барпо этилди.

"Файз" маҳалласидаги "Камрон текс" корхонасида тўқувчилик ҳам йўлга қўйилди. Ишга қабул қилинган 15 хотин-қиз бир ой давомида дастоҳларда ишлашни ўрганиб, кейин мустақил иш бошлайдилар.

Эшонгузар кўрғонидеги суғориш насосларини таъмирловчи "Турсуной" корхонаси бир неча йилдирки, фермер хўжалиқлари ва бошқа ташкилотларга хизмат қилади.

12 киши меҳнат қиладиган корхона 2012 йилда бюртмачиларга 50 миллион сўмлик хизмат кўрсатди. Эҳтиёжмандларга 400 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами берилди.

Зилола АЛИЕВА.

### Вилоят сайлов комиссиясида

## ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 44-моддасига мувофиқ,

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 1-Ангрен, 22-Ғазалкент, 46-Қизғалдоқ, 53-Эски Тошкент ва 58-

Ниёзбош сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга 2013 йил 27 январь кунини ўтказилган сайловга тайёргарлик бошланди. Ушбу ишларни тегишли округлар бўйича ташкил этилган сайлов комиссиялари амалга оширмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Семинар

Қўнраб туманида оила, маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигини янада яхшилашга бағишланган семинар ўтказилди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими вилоят бошқармалари ҳамда хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳар ва туманлардаги билим даргоҳлари раҳбарлари ва психологлар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## МАҚСАД — ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШ

Семинарда мамлакатимизда ёш авлодга таълим-тарбия беришни сифат ва мазмун жиҳатидан янада юксалтириш, оилалар мустақамлиги, маҳаллаларда ўзаро ҳамжихатлиқни таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар

юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда оила, маҳалла ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, таълим муассасаларида кўрсатиладиган ижтимоий-психологик хизматнинг мақсад ҳамда вазифалари, ўқув-

чилар маънавияти ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг касб-хунар эгаллашига кўмаклашиш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Х. САЛИМОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ.

Улғубек АСРОПОВ,  
"Туркистон-пресс".

### Вилоятимиз шаҳар ва туманларида

Ўзбекистон Куроли Кучларининг 21 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислоҳ Каримов байрам табригида таъкидлаганидек, армиямиз

"...ўтган тарихан қисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўти ва бугунги кунда сон жиҳатидан ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоён этмоқда".



## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Ватанимизга садоқат билан хизмат қилаётган ҳарбийларни шарафлашга бағишланган байрам тадбирларидан бири Бўстонлик туманида бўлиб ўтди. Ғазалкентдаги "Азия Грант" саройига ҳарбий хизматчилар, туман жамоатчилиги вакиллари таклиф этилди. Тантанали чорлов янгради. Вилоят ҳокими Рустам Холматов байрам тадбири иштирокчиларини Қуролли Кучларимизнинг 21 йиллиги билан табриқлаб, мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилишдек шарафли хизматларида муваффақиятлар тилади ҳамда катта ютуқларга эри-

шаётган ҳарбийларнинг бир гуруҳига фахрий ёрликлар топширди.

Сарой гўмбазлари остида ҳарбийлар шарафига айтилган қалб сўзлари акс-садо беради: "Сиз борсизки, чегараларимиз дахлсиз, осмонимиз мусоффо, кунларимиз осуда..." Ватанимиз сарҳадларини кўриқлаб, ҳарбий тайёргарликни кучайтираётган, замонавий қуролларни кунт билан эгаллаётган аскарлар, сержантлар ва офицерлар, барча иштирокчилар учун куй-қўшиқлар ижро этилди. Мардликни ва ватанпарварликни мадҳ этувчи санъат асарлари, янгиланган ар-

миямиз қисмларидаги ҳарбийлар ҳаётини акс эттирувчи сахна кўринишлари ижро этилди. Ҳарбийлар бадий жамоалари, санъат усталари, ёш бадий ҳаваскорларнинг чиқишлари халқимиз билан армиямиз бир тан-бир жон бўлиб, мустақил мамлакатимизнинг ишончли қалқонига айланганини ёрқин гавдалантирди.

Санъат усталари, ҳарбий ва халқ бадий ҳаваскорлик жамоаларининг куй-қўшиқлари барча иштирокчиларга тантанавор қайфият бағишлади.

Даврон АХМАД олган сурат.

### Қишлоқ мулкдорлари

## АБДУМАЖИД «КЛАСС»НИНГ ТЎЙИГА БОРАДИ

Абулқосим ота жамоа хўжалигида чорак аср бригадирлик қилди. Аммо уни элга танитган нарса бу эмас. Гап шундаки, хонадонда фақат зотли мол боқишни Чиноз тумонларда биринчилардан бўлиб бошлаб берган. Жайлари молни хонадонига йўлатмасди. Одамлар унинг молларини ҳавас билан томоша қилишарди.

Абдумажид шундай муҳитда ўсиб-ўлғайди. Чорвачиликка меҳри муҳрланди. 2007 йили чорвачиликка ихтисослашган "Дилгиёе файз-барак" фермер хўжалигини ташкил этганининг боиси шу. Ишни бошидан пишиқ қилди. Имтиёзли кредит олиб, Украинадан қора-ола "Голштин" зотли 40 та мол келтирди. Саккиз талабгорни ишга ёллади. Биринчи йиллик шартнома асосида 100 тонна сут сотди.

Бу бошланиши эди. Навоий жамоа хўжалигининг дала шийпонларидан бирига эга бўлиб, уни фермага айлантирди. Умумий майдони 85 сотих. Мажид маъмурий хонадан тортиб емхона, бузоқхона, автомат сут соғиш хонаси ва бостирмагача бор.

Ферма рисоладагидек бўлгач, 2009 йили Австриядан 33 бош қизил "Флегфи" зотли, кейинги йили Германиядан қизил "Голштин" зотли қорамоллар олиб келди. Шу тариха моллари 300 бошга етди. Шундан 115 боши соғин сигир. Қолгани ёш моллар. Сигирларининг бир йил-

да бераётган сути ўртача 5500 литрга етди. Ёғлиги 4,5 фоиз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, чет эллик чорвадор фермерлар 6000 литрдан кам сут берадиган сигирни овора бўлиб боқиб ўтирмай, семиртириб, гўшта толштириб юборишаркан. Ҳозир Абдумажид Садиров фермер хўжалигини шу даражага олиб чиқди ҳисоб.

Чорвачиликка ихтисослашгандан кейин фақат зотлисини боқиш керак, — дейди фермер. — Меҳнатингни оқлайди. Жайлари мол эса, ҳар қанча емиш берманг, сутини зотига яраша даражадан оширмайди.

Хўжалик аъзолари ҳозир 30 кишига етди. Кунига 1800 литр сут соғилапти. Асосий қисми Қибрайдаги "Биосут" корхонасига шартнома асосида етказиб бериляпти. 115 та сигирга икки эркак ва икки аёл, яъни тўрт соғувчи қарайди. Чунки, сут юз фоиз автомат аппаратларда соғилади.

Фермаимизда зооветеринария қоидаларига тўлиқ амал қилинади, — дейди сут соғувчи Мукаддас Жамолбо-

ева. — Йилда икки марта тиббий кўриқдан ўтаимиз. Иш вақтимиз тигиз. Шу боис фермада уч маҳал иссиқ овқат тайёрланади.

Фермер хўжалигининг 104,5 гектар экин майдони бор. 15 гектарда беда, 5 гектарда озуқа лавлаги, 34,5 гектарда силос учун макка-жўхори, 10 гектарда буғдой етиштирилади. 40 гектарга оралик экинлар экилади. Қишлоғга аниқ ҳисоб-китоб асосида ем-хашак жамғарилади. Ҳозир фермада 500 тонна сенаж, 1500 тонна силос, 200 тоннадан беда пичани, сомон ва озуқа лавлага ва 100 тонна омухта ем бор.

Соғин сигирларга кунига 30 килограмм силос, 10 килограмм сенаж, 3 килограмм лавлага, 3 килограмм беда пичани, 6 килограмм омухта ем, 2 килограмм шрот, 20 литр барди бераймиз, — дейди молбоқар Жаҳонгир Абзалов. — Озуқа рационини рангбаранг ва тўйимли бўлгани боис, сигирлар кунига ўртача 16-18 литрдан сут берапти.

Албатта, юз гектардан зиёд майдонда озуқа экинларини парваришлаш учун анчагина техника ҳам керак. Фермер хўжалигида бу масала ҳам имкониятлардан оқилона фойдаланилган ҳолда расамда билан ҳал этиб бориляпти.

(Давоми 2-бетда).

Қишлоқ мулкдорлари

АБДУМАЖИД «КЛАСС»НИНГ ТҲҲИГА БОРАДИ

2011 йилда Германиянинг "Класс" компанияси...

дейди хўжалик осеминатори Абдуҳолик Садилов...

хам муҳим иш. Бунинг учун молларни юз фоиз суний урчиштига ўтиш...

Осеминатор айнан шу талабга амал қилаяпти. Фермада юз фоиз суний урчишти йўлга қўйилган...

Уларнинг олди бир ёшдан ошди. Зотли мол келувчилар бож тўламайдиган бўлишди...

лардан озод қилинди. Четдан зотли мол олиб келувчилар бож тўламайдиган бўлишди...

лаш қувватига эга бўлади. Қарабизки, яна бир катта тармоқ фермер хўжалигига салмоқли даромад келтира бошлайди...



Бирок, шу уч оимдан энг муҳими - мол зоти, - (Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят сайлов комиссиясида

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РҲҲАТГА ОЛИНДИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси йиғилишида...

лаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Сайлов қонунчилиги талабларига асосан 1-Ангрэн, 22-Ғазалкент, 46-Қизғалдоқ, 53-Эски Тошкент ва 58-Ниязбош сайлов округлари ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолига қўйлаётган сайлов кампанияси ҳақида тўлиқ маълумотларни вақтида етказиш лозимлиги ҳусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Ийгилишда, шунингдек Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Илгари хабар қилинганидек, вилоят сайлов комиссиясига бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш тўғрисидаги аризалар билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ҳазе-

кстон Либерал-демократик партияси, Ҳазекистон Халқ демократик партияси, Ҳазекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ҳазекистон "Адолат" социал-демократик партияси - амалда бўлган барча сиёсий партиялар мурожаат қилди. Сайлов қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда тўртта сиёсий партиянинг Тошкент вилояти кенгашлари томонидан вилоят сайлов комиссиясига бўшаб қолган ўринларга депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш юзасидан аризалар тақдим этилди. Вилоят сайлов комиссияси барча аризаларни ва уларга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳар бир сиёсий партия томонидан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди (номзодлар рўйхати чоп этилмоқда).

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҚАРОРИ

БҲШАБ ҚОЛГАН ҲРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РҲҲАТГА ОЛИШ ТҲҲРИСИДА

Вилоят сайлов комиссиясига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ҳазекистон Либерал-демократик партияси, Ҳазекистон Халқ демократик партияси, Ҳазекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ҳазекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгашларидан бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилди. Ушбу ҳужжатлар Ҳазе-

кстон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуни талабларига мувофиқлиги вилоят сайлов комиссияси томонидан ўрганиб чиқилди. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ҳазекистон Республикаси Қонунининг 11, 20, 21, 24, 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Бўшаб қолган ўринларга Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлигига кўрсатилган куйидаги номзодлар рўйхатга олинсин:

Table with 5 columns: Deputy Name, Birth Date, Work Position, Residence, and Election District. It lists candidates for various districts like 1-Ангрэн, 22-Ғазалкент, 46-Қизғалдоқ, 53-Эски Тошкент, 58-Ниязбош.

Вилоят сайлов комиссияси раиси Тошкент шаҳри, 2013 йил 12 январь.

У. АБДУШОҲИДОВ.

Қарор ва ижро

Давлатимиз раҳбарининг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таъмири турдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаб, тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга кенг йўл очиб берди.

РУХСАТ БЕРИШ СОДДАЛАШДИ

Ишбилармонларга ўз лойиҳаларини эркин амалга оширишлари учун рухсат бериш тартиби соддалаштирилиб, ҳисобот тизими ва ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ҳам тақомиллаштирилди. Базирлар Маҳкамасининг "Ҳазекистон ҳукумати томонидан айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги қарорига асосан қатор қонун ҳужжатлари ўзгартирилиб, қўшимчалар киритилди. Буни давлатимиз раҳбарининг соҳага доир фармонлари ва тегишли идораларнинг қарорларида белгиланган талабларнинг вилоят "Ўздавнефтегазиспекция" тизимида ижросини таъминлаш мақсадида қилинган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Гулистон қишлоғи марказидаги Абдуқодир Қозоқбоев номи маҳаллада 484 хонадон бўлиб, 2700 га яқин аҳоли истиқомат қилади. 11 та ижтимоий-маиший пункт аҳолига хизмат кўрсатяпти. Фаолларнинг ҳаракати билан қўчалар ва хонадонлар тобора ободонлашиб бормоқда. Ички йўлларнинг 1,3 километрга асфальт ётқизилди, 1,5 километрга шағал тўшалди. Маҳалла қабристонини ободонлаштирилиб, бинолари таъмирланди ва 1,5 километрли темир панжарали тўсиқлар бўялди.

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

50 та янги намунавий лойиҳадаги уйлар қурилатгани эса маҳалла қиёфасига янада кўрк бағишламоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва вояга етмаганлар билан ўтказилаётган тадбирларга ҳуқуқ-тартибот идоралари, тиббиёт муассасалари, халқ таълими ходимлари таклиф этилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини доимий комиссиялари фаолияти намунали йўлга қўйилган. Ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш бўйича профилактик тадбирлар ички ишлар бўлимининг участка инспекторлари билан ҳамкорликда олиб боришмоқда. Аналиқ ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи қишлоқ врачлик пункти ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси шифокорларининг доимий эътиборида. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича диспансер кўриқлари мунтазам ўтказилаяпти. Шу йилнинг ўзига аёллар ва болалар икки марта тиббиёт кўриқдан ўтказилиб, аниқланган баъзи касалликлар вақтида даволанди.

Маҳалламиз фаоллари "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда жонбозлик кўрсатишди, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Учқун Шомирзаев. - Ҳар бир оиланинг тинчлиги, кайнона-келин муносабатлари, тўй маросимларини тартибга солиш ва қизлар тарбияси, она ва бола саломатлигига оид ишларга диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчимиз Ортиқжон Ерматов доимо бош-қош. Узини ўзи бошқариш органлари фаолияти самараси ва изчиллигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи" кўриқ-танловининг туман босқичида иштирок этган маҳалла фахрли иккинчи ўринга муносиб кўрилди. Мазкур кўриқ-танловининг вилоят босқичида иштирок этиб, "Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатган фуқаролар йиғини" номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди.

Юсуф ЭРҒАШЕВ.

Бахтиёр ШАВКАТОВ.

2013 йил - Обод турмуш йили

ЗАМОНАВИЙ УЙЛАР КҲПАЙМОҚДА

Тошкент вилоятида 2013 йилда намунавий лойиҳа асосида 1050 уй-жой қуриш мўлжалланмоқда

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини намунали лойиҳалар асосида қуриш ҳамда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.



ди. 2013 йилда 1050 тураржой қуриш мўлжалланмоқда.

Жойларда яқка тартибдаги замонавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган уй-жойлар қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш имконини бермоқда. Шинам, барча қулайликларга эга замонавий уйлар учун фуқароларга кредит ажратиш механизми тақомиллаштирилгани, кредит олувчиларга берилаётган имтиёзлар намунавий лойиҳа бўйича қурилаётган уй-жойларга аҳолининг қизиқишини янада оширмоқда. 2010 йилда Тошкент вилояти туманларида намунавий лойиҳа асосида 635 уй-жой бунёд этилган бўлса, 2011 йили 680 уй-жой фойдаланишга топширил-

жорий йил Зангиота туманидаги "Ҳасанбой", "Ўртаовул", "Кўксарой" ва "Эркин" қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли майдонларда 128 уй-жой бунёд этилади. Ҳозиргача ўнлаб фуқаролар ана шундай янги уй-жойлар учун "Қишлоқ қурилиш банк"нинг "Қурилишга бошлангич бадал" омонатига уч миллиард сўмдан ортиқ маблағ кўйди. Уларнинг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда.

Барпо этилаётган уй-жойлардаги замонавий шарт-шароитларни кўриб, ҳавасини келди, - дейди зангиоталиқ Уктам Худоев. - Ойламиз билан келишиб, Обод турмуш йилида қуриладиган тўрт хонали намунавий уйлардан бирига буортма бердик.

Х. САЛИМОВ, Ҳ.А. МУҲБИРИ.



Маънавият

## БИЗГА ОЛАМ ҲАВАС ҚИЛСИН...

– Менга ўхшаб кийиниб юрсан, – деди она кизига. Эндиғина 8 ёшга кирган кизалоқ онасига ҳайрон боқди. Унинг додирлагани онага малол келди.

– Ҳижобга кирасан, – деди она кизиб. – Катта қиз бўлиб қолдинг, гуноҳларинг кўпайиб кетди. Шунинг учун оқиқ-соқик юрмайсан.

Онанинг жоҳиллигидан кизчанинг кўнгли ўксиди. Утган йили катта орасини ҳам "гуноҳларинг кўпайиб кетди" деб ўқитмай, эрга бериб юборишган эди. Ҳозир опаси харкун калтак ейти. Уша ўраган рўмоллари қонга беланиб бўлди. Улиб колса нима бўлади? Йўқ, сираям рўмол ўрамайди. Ҳижобга кирмайди. Яхши ўқиб, келажакда шифокор бўлади. Бирок отасининг жаҳли чиқади-да...

Аммо бу оилада ота диний ақидадорлиги оқимига кириб, муассасиблик гирдобиди эди. Кечкурун келган ота кизининг оддий либосда юргангани кўриб, жаҳл отига минди. Аёлнинг чакриб, "Нега кизинг ҳижобга кирма-

ди", деб зуғум қилди. Отанинг совуқ муносабати ёшгина кизалоқнинг қалбини ларзага солди. Чунки у эртага мактабда устозларига ва синфдошларига бундай кийиниши қандай изоҳлаб беришни ўйларди. Аслида ҳижоб нима? Нега бундай кийимни кийиши керак, деган саволларга жавоб топа олмасди.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг диний этиқодимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва қадриятларимизга кенг йўл очиб берилди. Муҳтарам Юртбошимиз ва ҳукуматимиз халқимиз фаровонлиги йўлида кўплаб хайрли ишлар қилишмоқда. Ўзбекистон ривожланган давлатлар орасида муносиб нуфуз ва обрўга эга. Энг кераги, юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Ёшларнинг ўқиши учун барча шароитлар яратиб берилаяпти. Айниқса, қизларнинг ўқишлари, хунар эгаллашлари диққат марказида турибди. Демак, таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон жаҳон та-

ниган, тан олган олиму уламолар Ватани. Нега энди ўзининг қадимий миллий анъаналаримиз, маданиятимиз бўла туриб, бошқа юрт кийимларига сажда қилишимиз керак?!

Кейинги вақтларда ҳижоб орқали ўзларининг манфур ва ёвуз ниятларини амалга оширишга уринаётган диний экстремистлар ва террорчиларнинг асл мақсади ҳаммага аён. Хар бир халқнинг ўз кийиниш маданияти бўлади. Ўзбек аёлларининг миллий кийимларига бутун дунё ҳавас билан қарайди. Чунки шу кийимларда опа-сингилларимиз ва оналаримизнинг ибодат ҳаёси акс этиб туради. Араблару гарблиқлар минг йиллик тарихга эга бўлган миллий кийимларимизни кўрганда ўзбекнинг онасини, оболси синглисини, ҳаёли рафиқасини аниқ тасаввур эта олсинлар.

**М. АБДУСАИДОВ,**  
Бўстонлик туман  
бош имом-хатиби  
вазифасини бажарувчи.



Санъат

Гийҳванлик ҳали-ҳамон қанчадан-қанча одамларнинг умрига зомин бўлмоқда. Барча мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам бу иллатга чек қўйиш саъй-ҳаракатлари кучайтирилган. Ўзбекистон ёшлар театри бунга салмоқли ҳисса қўшапти. Театрда намоиш этилаётган "Қабоҳат тузоғи" иагрок усабунидаги пластик-шоу бунга бир мисол.



## ҚАБОҲАТ ТУЗОФИ

Қадимги Содом ва Гоморра шаҳарларини (унинг одамлари тубанлашиб кетгани, шаҳар розолатга ботгани учун) ер ютади. Спектаклда шу воқеа ҳозирги кунимизга кўчирилиб, айрим ёшлар гийҳванликка берилиб, жаҳолат ботқоғига ботиб бораётгани ва бунинг оқибатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Актёрлар ижросидан кейинги асосий ўринни мусиқа эгаллаган. Мусиқа хар бир сахнавий ҳолат муҳитини очиб берган. Айниқса, ижобий ва салбий кучлар тўқнашадиган сахнада янграйдиган мусиқа беҳтеър қалбларни жунбушга келтиради. Фақат мусиқанинг мезбидан ортық баландлиги спектакль ахлитлигини бузган, шунингдек томошабин ўзини нуқулай сезишига сабаб бўлади.

Люцифер (Алексей Кондраченко) мисолида ёшларни йўлдан уриб, гийҳван моддаларини тарғиб қилувчи шахслар қиёфаси

жонланади. У сахнада пайдо бўлар экан, қаршимизда кўзлари қонга тўлган, атрофда тўпланган ўзига тобе инсонларга менсимаслик назари билан боқувчи манфур кимсани кўрамайди. Люцифер инсон руҳиятини жуда яхши билади. Гийҳван модда воситасида қалб ва маънан кучсиз одамларни ўзига қарам қилади, йўриғига солади. Шу тариқа бутун дунёда ҳукмронлиқни қўлга киритишга интилади. Фақат эътиқод ва иродаси қучли Лот (Ҳасан Солихов) унга бўйсунмайди, ёвузликка қарши тинимсиз курашади. Лекин ёлғиз бўлгани учун розолатни енгишга кучи етмайди.

Режиссёр Лот образи орқали одамларни розолат ва тубан кучларга қарши берилишга қўриқиб, атрофдагиларга бефарқ бўлмаликка даъват этади.

Қисқаси, Лот мисолида дастлабки сахналарда романтик, фақат яхшиликни кўзловчи иш аволдаги

намоён бўлади. Кейинги сахналарда яқинларини Люцифер, яъни ёвузлик чағалдан кутқаришга бел болаган инсон сиймоси гавдаланади. Фақат Ҳ. Солихов ижросида образнинг ички кечинмалари тўлиқ очиб берилмаган. У ташқи ҳаракатлари орқалигина Лотни яратган. Бунда, албатта, балетмейстерларнинг роли катта. Лекин актёр ўз устида ишлаши керак. Хар бир персонажнинг ўзига хос кечинмалари бўлади. Уни кўрсатиб бериш актёрнинг вазифаси.

Саҳнанинг икки четига парда осилган бўлиб, унда Содом ва Гоморранинг тасвири туширилган. Яъни асарда ушбу икки шаҳар ва унинг қисматига ургу берилади.

Умуман олганда, спектакль долзарблиги билан эътиборга тушди.

**Шаҳноза ПҮЛТАОВА,**  
Ўзбекистон Давлат  
санъат институти  
3-курс талабаси.

Спорт

## ШАХМАТ. Ҳиндистоннинг

Деҳи шаҳрида ўтказилган "Delhi International Open Chess Festival – 2013" мусобақасида тажрибали халқаро гротмейстери Марат Жумаев янги мавсумдаги дастлабки совринини кўлга киритди.

Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан 105 нафар шахматчи куч синашган мусобақада ўзбек спортчиси олти галаба ва уч дуранга эришиб, 7,5 очко билан кумуш медалга сазовор бўлди.



## ТЕННИС. "Катта дубуға"

туркумига кирувчи энг нуфузи тўрт турнирдан дастлабки – Австралия очиқ чемпионати саралаш бешлуқларида иштирок этган Оқкул Омонмуродова асосий тур бешлашувларига йўланма олди.

Теннисчимиз франциялик Жюлия Коэни 4:6, 7:6, 6:4, австралиялик Моника Адамчакни 6:2, 6:3 ва испаниялик Кабеза Канделани 6:4, 6:3 ҳисобида енди. Оқкул асосий турдаги дастлабки учрашувини франциялик Матильда Йоханссонга қарши ўтказди.

Австралия очиқ чемпионатининг эркаклар мусобақасида катнашадиган ҳамюртимиз Денис Истомин эса биринчи даврада голландиялик Игорь Сийслингга қарши кортга чиқади.

## ФУТБОЛ. Осиё чемпионлар

лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган жамоатлар Бирлашган Араб Амирликларидаги ўқув-масгулот йиғинлари доирасида ўртоқлик учрашувларини ўтказмоқда.

Халқаро мусобақада илк бор иштирок этадиган "Локомотив" Катарнинг "Ар-Райян" жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ўзбекистон кубоғи соҳиби "Бунёдкор" шундай ҳисобда Саудия Арабистонининг "Ал-Таавун" жамоаси устидан зафар кўчди. Мамлакатимиз чемпиони "Пахтакор" эса Катарнинг "Ал-Жаиш" жамоаси билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади.



ЎЗА.

Рассом хандаси



cartoon.kulichki.com

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
**Тошкент вилояти ҳоқимлиги**

Бош муҳаррир  
**Убайдулла**  
**АБДУШОҲИДОВ**

Маърузи:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32.  
e-mail:  
th.tp@mail.ru

Қабулхона:  
233-64-95, 236-55-59,  
233-58-85 (факс).  
Бўлим муҳаррирлари ва  
муҳбирлар:  
233-12-83, 233-48-08.  
Шартнома ва эълонлар:  
236-55-54.  
Хисоб-китоб бўлими:  
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 2011 йил 12  
январда 03-001 рақами билан  
руйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
таҳририяти компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
**Жўра САЪДУЛЛАЕВ**  
Навбатчи  
**Бекзод ҲИДОЯТОВ**  
Саҳифаловчи  
**Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма J 6197. Адади 16680.

Баҳоси келишилган нарҳда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.40.